

## Qishloq haёti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan  
chiqa boshlagan

**Ўзбекистон  
1991-2007  
йилларда**

**Бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон  
тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ  
хўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги  
шакли бўлмиш хусусий фермер  
хўжаликлари томонидан яратилди.**

# Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Қадри дўстлар!  
Бугун мамлакатимиз ҳаётида барчамизга мамнуният ва қувонч етказадиган ажойиб бир кун. Юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Том маънода улкан ва шарафли меҳнат натижаси бўлмиш мана шундай ютук билан сиз азизларни, бутун халқимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий қўлайман ва муборакбод этаман.

Сизлар эришган бу муваффақият ўзбек дехқони, ўзбек фермерининг бор куч-гайрати, азму шижоати ва қатъиятини мўл ҳосил етиштиришдек эзгу мақсадга бағишлаб, йил ўн икки ой давомида ер билан тиллашиб, кунни тунга улаб, табиат қийинчиликларини мардона энгиб қилган фидокорона меҳнати, кўп йиллик тажриба, ота-боболаримиздан қолган пахтакорлик касбининг сирини синоатидан оқилана фойдаланиш маҳсули эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, эришилган бу бекибс галаба замирида, авваломбор, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида узокни қўзлаб амалга оширилаётган кенг қўламли туб ислохотларимизнинг ижобий самараси мутасаммат десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Нега деганда, бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлмиш хусусий фермер хўжаликлари томонидан яратилди.

Бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи галда, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдор-

лиқ даражасининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача қарийб 26 центнерни ташкил этиб, етиштирилган ҳосилнинг ўтган йилги 74 фоиз ўрнига 85 фоизи биринчи навларга топширилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Пахтачиликда сўнгги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, халқимизга азалдан мансуб бўлган омилкорлик, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, одамларнинг онгу тафаккурида юз бераётган мўмин ўғаришларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиийки, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, деҳқонларимизнинг машаққатли ва олижаноб меҳнати муносиб қадрлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгаллик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган катта ишларимиз ҳам бу борада халқ қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, пахтачилик соҳасида истиқболли, серҳосил ва эртанишар навлар яратиш, уларни ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва туپроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий илгор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, янги техникалар, минерал ўғит ва зарур воситалар билан таъ-

минлаш, ҳосилни турли зараркундалардан ҳимоя қилиш, теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш каби ўта муҳим чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилгани ҳам бу галабани эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига ўзининг салмоқли улшини қўшган, шартнома режасини биринчилар қаторида адо этиб, барчага ўрнак бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро, Андижон ва Сурхондарё, Жиззах вилоятлари пахтакорларининг меҳнат жасорати, айниқса, таҳсинга сазовордир. Қолган вилоятлар ҳам ўз мажбуриятларини бажариш арасида турганини мамнуният билан айтиш зарур.

Ҳар гектар ердан ўртача 30-35 центнердан ошириб ҳосил олган Амударё ва Нарпай, Денов ва Сарисоё, Шўрчи ва Пахтабод, Вобkent ва Пахтакор, Косон ва Қарши ҳамда бошқа қатор туманлардаги кўплаб фермер хўжаликлари бу кўрсаткични 50-55 центнерга етказгани ҳам мард ва фидойи деҳқонларимизнинг қандай буюқ марраларини эгаллашга қодир эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ана шундай интилиш ва савий-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда ўзбек пахтачиси ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорига мустаҳкам ва муносиб жой эгалламоқда. Пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган йирик хорижий компанияларнинг ўз йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган халқаро пахта ярмаркасида фаол қатнашиб келаётгани ва бу борада эришилаётган амалий натижалар шундан далolat беради.

Бугунги хурсандчилик дам-

ларида барчамизни мана шундай ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, марҳаматини аямасдан, ҳамisha йўлимизни очиб бераётган Аллоҳ таолога шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Сиз, азизларни мана шундай меҳнат зафарларингиз билан табриклаш асносида мен ерга кўз тикиб яшайдиган минг-минглаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиб, фарзандларини ун-жойли қилиш ҳақидаги орзу-ниятларини ўзимга доимо яққол тасаввур қиламан. Ҳеч муволағасиз, бугун омборларимиз мўл ҳосилга, кўнгилларимиз шодликка тўлган мана шу кутлуг кунни барча деҳқонларимиз ўз муродига етган кун, деб аташ мумкин.

Айни пайтда, бу муҳим галаба саноатимизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбахом хом ашё билан таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшиш, шу тариқа Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиши мўқарар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларни ечиш, жамиятимизда меҳр-оқибат ва савоат туйғулларини кучайтиришдек олижаноб ишларда фаол иштирок этиб келаётган фермерларимизга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман ва уларнинг меҳнатини юксак қадрлайман.

Иқтисодиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида меҳнат

унумдорлиги ва унинг самардорлигини ошириш негизда ушбу соҳани замонавий бошқича кўтариш биз учун устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Айниқса, кўп йиллардан буён деҳқонларимизни қийнаб келаётган энг мураккаб ва долзарб муаммо бўлмиш ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, жуда катта маблағ ва моддий ресурсларни талаб қиладиган бу масалани тубдан ҳал этиш янги йилда давлатимиз ва ҳукуматимизнинг асосий эътибори марказида бўлишини таъкидлаб айтмоқчиман.

Бизнинг аграр соҳадаги дастур ва режаларимиздан алоҳида ўрин олган бундай амалий мақсадлар яқин келгусида ўзининг ҳосили ва мева-сисини беради, иншоолло. Шаҳсан мен қишлоқ хўжалигини юксалтириш, шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаётини фаровон, оғирини енгил қилишни ўз фаолиятимизнинг асосий мазмуни, деб биламан ва бу масалани Ватанимизнинг нафақат бугунги, балки эртанги тақдир билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қиламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!  
Сизларни, бутун Ўзбекистон ахлини бугунги катта галаба билан яна бир бор қўллар эканман, барчангизга сизга-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!  
Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо омон бўлинг!

**ИСЛОМ КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда Яратган Аллоҳдан Сизга сизга-саломатлик, ислом умматига хайр-бароқ, равақ ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,  
Биродарингиз,

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ  
Тунис Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Барча мусулмонлар муборак Рамазон ҳайити байрамини нишонлаётган ушбу саодатли кунларда Сизга самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматига барака ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Ҳайитингиз қутлуг бўлсин!  
**Али Абдуллох СОЛИХ,  
Яман Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,  
Кутлуг Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига бардоҳам тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Абдуллох II бин ал-ҲУСАЙН,  
Иордания Подшоҳи**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум,  
Муборак ой шарофати билан мўмин-мусулмонлар ўртасидаги дўстлик ва меҳр-муҳаббат ришталари кенг қулоқ ёзиб бориши ҳамда бугун дунёда тинчлик ва адолат тантана қилишининг гувоҳи бўлашимиз, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Сиз, Жаноби Олийларига муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг буғи халқига эса бахт-саодат ва юксалиш, шунингдек, барча мусулмонлар ва умуман жаҳон аҳлига шукҳ ва иззат-икром тилаб қоламан.

**Махмуд АҲМАДИНЕЖОД,  
Эрон Ислом Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сизга-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Аллоҳ таолодан ислом умматига бундай саодатли онларни такрор насиб этишини сўрайман.

**Кобус бин САИД,  
Уммон Султони**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан гоят мамнунман.

Мамлакатларимиз гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги, шунингдек, икки томонлама ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига ишонч


Шунингдек, Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Мали Республикаси Президенти Амаду Тумани Туре, Жанубий Африка Республикаси Президенти Табо Мбеки, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Хомед Карзай, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Иахжуддин Аҳмад, Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф, Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рама Натан, Ингушетия Республикаси Президенти Мурод Зязиков, Чеченистон Республикаси Президенти Рамзан Қодиров, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти, Бош вазир ва Дубай ҳокими Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум, Бангладеш Халқ Республикаси Муваққат ҳукумати раҳбари Фахруддин Аҳмад, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз, Сингапур Республикаси Бош вазири Ли Сянь Лун, Афғонистон Сенати раиси Сибатуллох Муҳаддийдид хам табрик йўллаганлар.

Табриклар келиши давом этмоқда.

# Пахтакорларимизнинг улкан хирмони

**Мамлакатимиз пахтакорлари уйган  
хирмон 3 миллион 600 минг  
тоннадан ошди**

**Пахтачилигимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган бундай салмоқли ютуқлар қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган чуқур ислохотлар, одамларда ерга, мулкка эгаллик туйғуси, ўз иши ва меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси ортиб бораётганининг, уларнинг онгу тафаккури, дунёқарши тубдан ўзгараётганининг яққол ифодасидир.**



Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қўра, деҳқон ва фермерларимиз жорий йилда бир миллион тўрт юз қирқ минг гектар майдонда гўза парваришлади. Юртимиз иқлим шароитига мос "Бухоро-6", "Оқдарё-6", "Ан-Боёвўт-2" ва "Наманган-77" каби гўза навларининг агротехника талаблари асосида парваришлангани мўл ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлди. Фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарига уруғлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари етарли миқдорда ва ўз вақтида етказиб берилгани ишлаб чиқариш самардорлигини оширди.

Терим мавсумида бутун эътибор пахтани ўз вақтида нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилди. Бунда барча пахта қабул қилиш пунктлари, техника воситалари олдидан шайлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этди.

Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, айниқса, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Айни чоғда, Президентимиз шу йил сентябрь ойида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи пайтида дала меҳнаткашлари билан мулоқотларида қайд этганидек, фермерлик шунчаки ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, кунт, чидам ва фидо-

йиллик талаб қиладиган касб.

Бу йилги ҳосилнинг юз фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилгани ҳам бу ҳаракатнинг том маънода қишлоқ хўжалигининг тақдирини ва истиқболини белгилаб берадиган куч эканини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотларига қараганда, Кўнғирот туманидаги "Тўртқара сексен", Беруний туманидаги "Мақсуд", Пайарик туманидаги "Мамадийёр кизи Насибка", Нарпай туманидаги "Пахтакор", Миришкор туманидаги "Тошев Миркомил Тоштемирович", Чирокчи туманидаги "Усанов Эшдавлат Усанович", Денов туманидаги "Алломиш", Шифоркон туманидаги "Азим Шифоркон юлдузи" каби фермер хўжалик-

ларида ҳосилдорлик 45-50 центнерни ташкил этган.

Ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш ва омиликор пахтакорларимиз ўзлари уйган юксак пахта хирмони билан мамлакатимизнинг янада обод, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшилар. Бу муҳим галаба, Президентимиз ибораси билан айтганда, Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиши мўқарар.

Мамлакатимиз далаларида ҳали ҳосил мўл, йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Деҳқон ва фермерларимиз қолган пахтани ҳам териб олиш пайида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

(ЎЗА)

## ОБУНА - 2008

**"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалардаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадий асарларни муролаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шошилгин!**

**"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатуви" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Тахририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги муҳбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштириляпти.**





Муҳаммадjon Шукуров Андидон шахридаги кўпқаватли уйда истиқомат қилади. Ёз кунларида бирида ёлланма устани қақириб, хонадонидаги иситиш тизимини каттагина маблағ ҳисобига таъмирлатганди. Бироқ минг сўмини тежайман деб, юз минг сўмини ҳавога совурганини кейинроқ англади. "Иссиқлик манбаи" мутахассислари кишига тайёргарлик кўриш бўйича қилинган ишлар натижасини синиб кўришда унинг хонадонидаги қувурлар босимга бардош беролмади.

Шунингдек, 5-мактабдаги иситиш тармоқларида ҳам худди шундай ҳолат қайд этилди. Ёлланма усталар ишни меъёрига етказмагани пачд берди. Соҳа мутахассислари ҳар иккаласини ҳам сифатли

моқлари сифатли қилиб таъмирланди. Газ ва электр энергиясида узиллишлар бўлмастганининг олди олинди ҳамда мазут ва бошқа ёқилғи захиралари фамланди. "Марказ" ҳамда "Шарқий" қозон-

либ уларни ҳисобдан чиқаришга эришилди. Унинг ўрнига замонавий-локал, яъни кичик қозонхоналарни ишлаб чиқаришга тўлиқ қўлиш устида истиқболли режалар тузилляпти. Дарвоқе, ўтган йили бу борада шахар ҳокимлиги маблағи ҳисобидан 2 та кўпқаватли уйда таъмирлаш ишлари қўрилди. Локаллаштиришнинг афзалликлари кўп экан: аввало кичик қозонхоналар ширкатлар таркибид бўлади ва хонадонларни йил-ўн икки ой иссиқ сув билан таъминлашга ҳам имконият туғилади. Вилоят "Иссиқлик манбаи" корхонаси раҳбари Баҳодир Бурхоннинг таъ-

# Керакли металлнинг оғири йуқ

Собир Жумаев Навоий вилояти Иккиламчи қора металл масъулияти чекланган жамиятида узоқ йиллардан бери ишлайди.

Хонадонини саноат худудига яқин жойлашганлиги сабабли бу ерда ишлашни кўп вақтдан бери орау қилиб юрардим, — дейди Собир Жумаев. — Мустақиллик шарофати туфайли одамларда мулкка эғалик ҳисси кучайди. Истиқлолга қадар бу корхонанинг бор-йўқлигини кўпчилик билмасди. Сабаби, навоийликларнинг ўзлари ҳам корхонадаги иш жараёнидан бе-нахабар эди. Журналистлар ҳам мазкур жамоа фаолиятидан камдан-кам мақола ёзар эди.

Эндиликда Навоий иккиламчи қора металл масъулияти чекланган жамиятида асосан "Ўзметкомбинат"га низоҳат зарур бўлган металл парчалари ва чиқиндилари етказиб берилади. Агар корхона тайёрлаб жўнаётган чиқиндилардан кишлоқ ва халқ ҳўжалигида жўдаям асқотадиган техникалар ва бошқа зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар тайёрланишини ҳисобга олса, корхонанинг вилоят саноатига тўтган ўрни беқисс эканлиги аққол намоен бўлади. Айтиш кераки, аниқ чоғ-бурадан Бекбоғдоғи "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлаш-

маси эҳтиёжини тўлиқ қондира-ряпти.

Металлни пресс қиладиган ускуна, айниқса, жамоага катта наф келтирди. Мазкур ускуна иш бошлашда, бир қатор кулайликлар яратилди. Авваллари бир вагонга 15 тонна металл юкланган бўлса, ускуна прессланганидан кейин эса вагонга 60 тоннагача металлни бемалол жойлаштириш имконияти туғилади. Натижада, маблағ, темир йўл харажатлари тежаланди бўлди. Бир пайтнинг ўзида темирни иччамлаштириб, жипслаштирилларнинг ўзлари ҳам корхонадаги иш жараёнидан бе-нахабар эди. Журналистлар ҳам мазкур жамоа фаолиятидан камдан-кам мақола ёзар эди.

Корхонада металл йиғиш жараёнини кузатаркансиз, мутахассислар, газ билан ке-сувчилар, кранчилар, инже-нерлар заковатиға, ғайратига қойил қоласиз. Бир томонда газ билан ке-сувчилар кес-ган металл парчалари тартиб билан тахланаётган бўлса, иккинчи томонда улар пешма-пеш ва-гонларга юкланаётди. Сал нарида хом ашёни ажратиб, танлаш жараёнилар давом эт-моқда. Ваҳоб Сатторов, Файзулло Турсунов, Собир Жумаев сингари ўз соҳасининг би-

лимдонлари, етти ўлчаб бир кесишга одатланишган. Хов-лида эса юк машинаси ва бош-қа техникаларнинг шовқини кулоқни қоматга келтиради.

Раҳбарият ва касба уюшма-си кўмитаси ҳамкорлигида имзоланган жамоа шартнома-си ишдаги асосий дастурил-амалдир. Ҳар ойда ишчилар-



1995 йилда ташкил этилган корхонанинг ҳозирги пайтга келиб Зарафшон, Учқудук, Қизилтепа, Навоий бўлими фаолият кўрсатиб турганлиги тўғрисида.

нинг иш ҳақи ошиб бормоқ-да. Улар кийим-бош билан таъминланган. Бундан таш-қари байрамларда бир ойлик маош миқдорига маошнинг пули бериб келинмоқда. Са-воб ишни ҳар ким, ҳар кун и-чилиши керак. Шу сабаб кор-хона Тинчлик кўрғонидаги мактаб, боғча ва масжидга ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Кам таъминланган 2 та оилага икки бош сизир бузоғи билан олиб берилди. Тинчлик кўр-ғонидида жойлашган ўрта мактаб-га корхона узоқ йиллардан бери ҳомийлик қилиб келади.

## Қарор ва ижро

Жамоанинг ўз кисло-род станцияси бор. Илгари хом ашё Тошкентдан келти-рилибди. Бу ҳолда барҳам бе-рилган, ангина маблағ те-жалди. Қолаверса, ортиқча о-ворагарчиликлардан қутли-дик, — дейди жамият дирек-тори ўринбосари Ҳикмат Юсу-пов. — Ҳозирги вақтга келиб станцияда бир кеча-кундузда 155 баллон кислоруд тайёр-ланмоқда. 5 киши доимий и-ш билан таъминланди. Келажак-да дастгоҳларнинг биратўла ўнлаб жараёнлари урдалай-диган турлари вужудга кела-ди. Бунинг учун барча им-кониятлар ишчиларни.

Корхонада ишлаётганлар-нинг меҳнати доимий тарзда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилибди.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Навоий вилояти

# Иссиқлик истеъмолчиси унга қандай хизмат кўрсатилади?

Бунда «Иссиқлик манбаи» ва истеъмолчи ҳамкорлиги зарур

таъмирлаб беришди. Аммо Муҳаммад-жон ҳам, илмгоҳ мазмурияти ҳам сифат-ли хизмат кўрсатувчи ташкилотдагилар олдида анча мулзам тортишди. Сабаби, ўзибўларчиликка йўл қўйилганидан таш-қари фойдаланилган манба учун ҳам анча вақтдан бун ҳисоб-китоб қилмасдан, бепарво юришган экан.

Мақола бошида ана шу мисолларга алоҳида тўхталишни боиси бор: кўп ҳолларда рўзгор ва хонадонимиз учун зарур маҳсулотлардан исталганича фой-даланамиз-у, бироқ уни етказиб берув-чилар билан вақтида ҳисоблашини унутиб қўямиз. Ваҳоланки, ана шу хиз-матлар учун сарфланган маблағларимиз яна ўзимизга — фаровонлики таъминлашга йўғрилишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Андидонда вилоят "Иссиқлик манбаи" корхонаси мутахассислари жо-рий йил ку ва қиш мавсумига тайёр-гарлик ишларини мавжуд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчи-лар билан ҳамкорликдан бошлашди. Мутасаддилар бундай тўхтама қели-шининг сабаби бор: тасарруфдаги 753 та кўпқаватли уйларга иссиқлик манбаи ет-казиб бериш ишлариға бир неча йил-лар давомида масъулиятсизликдан ёнда-шилган. Натижада ўнлаб минти туман-лардаги бир қатор қозонхоналар ва уз-тиш тармоқларининг носозлиги туфай-ли хонадонларга иссиқлик етиб бормас-ди. Истеъмолчиларнинг ҳақли эъти-розлари жавобсиз қолиб кетаверган.

Даставвал мавжуд имкониятлар ўр-ғаниб чиқилган, корхона ҳисобидан 25 та қозонхона ва 8 километрли узаткич тар-

хоналарнинг узлуксиз ишлаши учун барча чора-тадбирлар қўрилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 41 та муассаса ва халқ таълими бош-қармасидаги 30 та мактаб, 39 та кичкин-тойлар маскани, бундан ташқари 15 та коллеж, 3 та олий ўқув юрти, шунинг-дек, 67 та бошқа ҳар хил ташкилотлар-да мавсумнинг бетафот ўтиши учун зарур юмушлар муддатда урдаланди.

Соҳадагилар тадбиркорлик ва ишби-лармонликка таянаётганлиги боис ку ва қишга тайёргарлик кўриш мавсумида келиб чиқши мумкин бўлган айрим айрим муаммолар барҳам топмоқда: гарчи маъ-навий эскирган бўлса-да, 83 та қозон-

кидлашича, мавсум тайёргарлиги ва унинг бетафот ўтишида уч томонла-ма шартнома, яъни истеъмолчи, иссиқ-лик етказиб берувчи ҳамда ширкатлар билан ўзаро ҳамкорлиқнинг яхши йўлга қўйилганлиги меъёрдаги юмушларни муддатда урдалашга ва қардорликлар-га барҳам беришга шароит яратмоқда. — Бундан ташқари келгусида барча уй-ларни босқичма-босқич локаллашти-ришда истеъмолчиларнинг ўзлари му-ҳим ўрин тутишларини улар англаб етишди. Айни пайтда шахар марказида жойлашган 2 та даҳадаги уйларни ло-каллаштириш юзасидан лойиҳа-смета ишлари олиб борилляпти.

Андидонликларнинг битта яхши ҳис-лати бор: аввало янгиликка ўч, сўнг ҳечдан кўра кеч яхши, де-ғувчилардан. Шу боис, аҳоли-ға иссиқлик манбаи етказиб бериш соҳасида замонавий ва илм-но технологияни тўлиқ жўрий этиш бош-қа жойлардагиға қараганда анча жадалла-шиши шубҳасиз, — дейди у.

Шу кунларда ҳам вилоятда мавсумга тайёргарлик кўриш ишлари сусайгани йўқ. Барча қозонхоналар, иссиқлик уз-тиш тармоқлари тўлиқ қўздан ке-чирилиб, белгиланган босимда синовдан ўтказилди. Бебаҳо манбадан тежамкор-лик билан фойдаланиш ва уни ортиқча исроф қилмаслик юзасидан жойларда истеъмолчилар билан ўчрашувлар ўт-казилляпти. Эеро, бу каби саъй-ҳара-катлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ ва унинг самараси зое кетмас керак.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Андидон вилояти

## Қиш тадориги

хонадан 65 тасида иссиқлик манбаи ишлаб чиқаришнинг имконияти яратил-ди. Уй-жой мулкдорлари ҳамда ширкат-лар билан, яъни уч томонлама тузилаёт-ган истиқболли шартномалар бўйича 180 та уйларнинг ички иситиш тизимларида таъмирлаш ишлари низоҳатига етказил-ди. Мутахассисларнинг амалдаги қонун-ларга таяниб ишни ташкиллаштираёт-гани бозор шароитида ўзини ўзи бош-қаришга ва ўз-ўзини маблағ билан таъ-минлашга имкон бермоқда.

Айтилик, тасарруфдаги айрим қоз-онхоналар хизматидан воз кечишга тўғри келаяпти: яъни баъзи ишлаб чиқариш ташкилотлари банкротга ўчраган. Шун-дай бўлса-да, улар таркибидеги қозон-хоналар эскирган, яроқсиз ҳолдалиги-ға қарамай ҳамон ҳисобда турибди. Те-ғишли ташкилотлар билан фикрлаши-



Утган йили жами 60 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 19,5 миллион сўм соф даромад ол-ган эдик. Унинг 1,5 миллион сўми билан кишлоғимизнинг Тепалик ва Гул маҳалларида-ги тоза ичимлик суви муаммо-сини ҳал этдик. Янги маҳалла учун 200 метр жойга шағал ётқи-зилиб, асфальт қилинди. Жорий йилда 24 гектар ерда бугдой экиб, давлатга 110 тонна бугдой сотдик. Ҳар бир фермер ҳўжа-лигимиз аёзосига ўртача 500 килограммдан 1800 килограм-мгача бугдой берилди. Бошқиси дон экинларидан 5 миллион сўмдан ортиқ соф даромад ол-дик. 24 гектар ерда пахтанинг "С-6524" навини етиштирдик. Бу йилги ҳосил ўтган йилгидан мўл ва сифатли. Биз асосан уруғлик пахта етиштирамиз. Шунинг эва-зига яхшигина даромад ҳам ола-миз. Бу йилги ниятимиз пахта-чиликнинг ўзидан 20-22 милли-он сўм соф фойда олишдир...

Мамур МУСУЛМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фаргона вилояти

# Оққўрғонлик оққўнғиллар

Оққўрғон номи билан юртиладиган гўшаларни Ўзбекистоннинг қўлгина туманларида учратиш мумкин. Бувайданинг Оққўрғони ҳақида гап кет-ганда, бениқиб кулгисе-вар кишиларнинг юзиде самимий табассум пайдо бўлади.

— Оққўрғонни, Муҳиддин Дар-вешонинг қишлоғи-да, — дейи-шади ва қўшиб қўйишади. — Ан-жирқишлоқ.

Дарвоқе, шундай. Туб аҳоли Оққўрғонни "Анжирқишлоқ" деб атайдди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, оққўрғонликлар анжир етиштиришга уста, миришкор халқ. Бу кишлоқ анжирлари на-фақат Қўқон, балки бутун водий бозорларида машҳур. Хуллас, Оққўрғон ҳикомати қаҳрамони Бахтиёр Султоновга ҳам бешик бўлади.

— Уят — ўлимдан каттиқ, дейи-шади, — изох берди "Муҳаммад-Азиз" фермер ҳўжалиги бошлиғи, — улқода ютказиш унинг бир кўри-ниши. Ҳаётда бундай ҳолатга ту-шишга орятиим йўл қўймайди. Отам, бобом, хуллас, суришти-

риб кўрдим. Етти авлодм чаван-доз ўтишган. Баҳоли қудрат мен ҳам улар изидан бориб, даврага тушиб тура-ман. Урта-дан улқони олиб чиқма-г у н и м ч а кўнглим жойига тушмайди.

Деҳқончилик ҳам худди улқ мусобақасига ўхшатиш мумкин. Мард бўлиб ўртага тушдингми, энди ҳаракатингни қил. Чунки ор-тингда бир эмас, бир неча киши, улар ортида эса бутун оила аъзо-лари турибди. Кимга қандай-ку, аммо фермер бўлиб, ўртага чиқ-камидан бери кўнглим тўлиб иш-лаб, ашвапман. Негаки, фермер ҳўжалигиға аъзо бўлиб кирган 34 нафар кишининг оиласи тинч, меҳнатига яраша даромад, шун-га яраша буромадлари ҳам жой-ида.

Туман ҳокимининг қарорига асосан "Оққўрғон" ширкат ҳўжа-лиги худудида "Муҳаммад-Азиз" таъкидлагим келади. Негаки, хал-қимиз суви зарға, сувчини зар-гарға бежиз қиёсламаган. Муно-жот Ҳасанова, Курбо-ной Тожибоева, Дил-фуза Мадалева каби илғор теримчилари-миз айни кунларда 140-150 килограммдан пахта те-риб, барчамизни қувонтиряпти. Улар нафақат пахта теримида ил-гор, балки баҳорги ер текислаш-дан, кузги шўдгорлашгача бўлган барча дала юмушларида фаол иштирок этишади.

Техника деҳқоннинг қаноти, дейишади. Ортада қолган йиллар давомида олтига ҳар хил русум-даги трактор ва механизмларни фермер ҳўжалиги ҳисобига со-тиб олддик. Бундан ташқари, "ГАЗ-53" юк автомобиль маши-насиға ҳам эгамиз. Буларнинг барчаси ҳалол ва самарали меҳ-

нат эвазига келди. Утган йили жами 60 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 19,5 миллион сўм соф даромад ол-ган эдик. Унинг 1,5 миллион сўми билан кишлоғимизнинг Тепалик ва Гул маҳалларида-ги тоза ичимлик суви муаммо-сини ҳал этдик. Янги маҳалла учун 200 метр жойга шағал ётқи-зилиб, асфальт қилинди. Жорий йилда 24 гектар ерда бугдой экиб, давлатга 110 тонна бугдой сотдик. Ҳар бир фермер ҳўжа-лигимиз аёзосига ўртача 500 килограммдан 1800 килограм-мгача бугдой берилди. Бошқиси дон экинларидан 5 миллион сўмдан ортиқ соф даромад ол-дик. 24 гектар ерда пахтанинг "С-6524" навини етиштирдик. Бу йилги ҳосил ўтган йилгидан мўл ва сифатли. Биз асосан уруғлик пахта етиштирамиз. Шунинг эва-зига яхшигина даромад ҳам ола-миз. Бу йилги ниятимиз пахта-чиликнинг ўзидан 20-22 милли-он сўм соф фойда олишдир...

Мамур МУСУЛМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фаргона вилояти

# АЗИЗ

Сардобадаги асли зоминлик отахонга айтган биринчи гапи шу бўлди:

— Ота, сиз мени дуо қилинг, худо хо-ласа ҳадемай яна Зоминнинг сувини ичасиз.

Сув келтириб бераман деган одамни ким дуо қилмайди.

Яқинда уруш ва меҳнат фахрийси ана шу отахондан вилоят ҳокими номига узундан-узун дуо билан битилган мин-натдорчилик хатини келтириб беришди. Саксон ёшдан ошган Ҳамид ота Нурул-лаев — ўз хонадонида яна Зомин суви-дан баҳраманд бўлаётганлигидан шоду-мон эканлигини билдириб, бу савобли ишларга раҳнамалик қилаётган Прези-дентимизға, ҳукуматимизға, вилоят ҳокимлиги ва "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлариға самимий мин-натдорчилик билдирганди.

Гап шундаки, бу ҳақда ваъда берган Юнус Жалолов отахон ва унинг ҳам-қишлоқларини кўп қуттирмади. Зомин ту-манига қарашли сув ҳавзаларидан бир вақтлар тортилиб, кейинчалик яроқсиз



СУРАТДА: "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ю.Жалолов ва бош муҳандис О.Шарифуллоев

холға келганлиги учун сув тўхтаб қол-ган Сардоба туманидаги Узоқов ва Те-мир Малик фермер ҳўжаликлари орали-ғидаги 11 километр масофадаги қувур-ларни тўлиқ алмаштирилиши ҳисобига "Чўлқувар", "Кўрғонтепа" ва "Гулзор" кишлоқ фуқаролар йиғинлари худудида истиқомат қилувчи жами 17 минг аҳоли яна тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошладилар. Бу савобли ишлар учун

280 миллион сўм маблағ сарфланди. Узоқ йиллик муаммолари ҳал этилган-лигидан одамлар беҳад қувониммоқда. Энг муҳими, ушбу савобли ишлар жа-моанинг ўз кучи билан унинг қошида сўнгги йилларда ташкил этилган ҳўжа-лиги ҳисобига фаолият юритувчи корхо-налар иштирокида амалга оширилди. Мана шу биргина далилдан ҳам ан-глаётган бўлсангиз керак. "Сувоқова" иш-лаб чиқариш корхонаси аллақачонлар банкрот ҳолатидан чиқиб, эндиликда ри-вожланишини ёрқин йўлиға тушиб ол-ган. У бугунги кунда келажакда вилоят аҳолисининг тоза ичимлик сувиға бўлган эҳтиёжини тўлиқ тиклаш бўйича аник дасту-р асосида фаолият юритмоқда. Бунинг учун истиқболли режа ва харита тузи-либ, белгилаб олинган вазиғалар бос-қичма-босқич амалга оширилмоқда. Бир-гина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи да-вомида шахар ва туманларда 14 та янги скважина таъмирланди. 92 дона ЭЦВ, "Во-додей"-Зқ-6, "Грунфос", Д-315-50 русум-ли насослар ва 1 та янги трансфарма-тор ўрнатилди. Ишдан чиққан 57 кило-метр масофадаги сув қувурлари янғиси билан алмаштирилди. Ушбу тадбирлар

натижасида 101 минг 661 нафар аҳоли-нинг тоза ичимлик суви билан таъмин-лаш намунали йўлга қўйилди. Гулистон, Ховос, Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод, Сайхунобод, Бойвот каби туманлар ҳамда Янгиер ва Бахт шахрида амалга оши-рилган хайрли ишлар шулар жумласи-дан. Корхона томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қўлами тобора кенгайиб бораётганлиги қувонч-лидир. Бу борада Т.Жўраев, Т.Цой, У.Ҳакимов ҳамда Р.Алиқулов сингари ус-таларнинг меҳнатлари ибратли бўлмоқ-да. Яна шу нарса алоҳида эътироф эти-шга сазоворки, бир вақтлар бўзғиғача кар-га ботиб банкротлик ҳолатини бошдан кечирган корхона эндиликда хайрига тад-бирларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ижтимоий ҳўмия йили муносабати бил-лан бошқарма маблағи ҳисобидан Гулис-тон шахар Баҳор маҳалласидаги бола-лар уйига 1 донна сув насосини ўрнатиб берди. Янгиер шахридаги қувурлар уйи-ға 300 метр масофага яқин қувурлар тор-тилди. Гулистон шахридаги 70-сонли ҳамда Сирдарё туманидаги 71-сонли мак-таб-интернатлари ҳам бошқарма саҳова-тидан баҳраманд бўлишди. Бундан таш-қари, 2 нафар кам таъминланган оила-ларға қорамол совға қилинди.

— Фаолиятимиз Республикаимиздаги юқори ташкилотлар ва вилоят ҳокими томонидан астойдил қўллаб-қувватланиб, аналй ёрдам қўрсатилинаётганлигидан манмуниим дейди, — Юнус Жалолов. — Яқинда ҳар бир туман ва шахар ҳоким-лари, кишлоқ ҳамда маҳалла фуқарола-ри йигини оқсоқоллари билан ҳамкор-ликда аҳолининг жойлардаги тоза ичи-млик суви таъминоти билан боғлиқ маса-лаларни яқиндан ўрганиб чиқиб алоҳида дастур тайёрладик. Ишларимизни жо-налантириш учун яна янги техника, асбоб ва анжомлар олишини режалаштиряп-миз. Вилоят аҳолисиға сифатли хизмат кўрсатиш эзгу мақсадимиз ҳисоблана-ди. Дарвоқе, одамларға сув улашиш энг катта савоб саналади. Эзгуликнинг эса ҳаммаша йўли очик, Илло бу саъй-ҳара-кат билан машғул қишларни доимо Ал-лоҳнинг ўзи қўлайверди.

Иброҳим ТОШЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сирдарё вилояти

нат эвазига келди.

Утган йили жами 60 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 19,5 миллион сўм соф даромад ол-ган эдик. Унинг 1,5 миллион сўми билан кишлоғимизнинг Тепалик ва Гул маҳалларида-ги тоза ичимлик суви муаммо-сини ҳал этдик. Янги маҳалла учун 200 метр жойга шағал ётқи-зилиб, асфальт қилинди. Жорий йилда 24 гектар ерда бугдой экиб, давлатга 110 тонна бугдой сотдик. Ҳар бир фермер ҳўжа-лигимиз аёзосига ўртача 500 килограммдан 1800 килограм-мгача бугдой берилди. Бошқиси дон экинларидан 5 миллион сўмдан ортиқ соф даромад ол-дик. 24 гектар ерда пахтанинг "С-6524" навини етиштирдик. Бу йилги ҳосил ўтган йилгидан мўл ва сифатли. Биз асосан уруғлик пахта етиштирамиз. Шунинг эва-зига яхшигина даромад ҳам ола-миз. Бу йилги ниятимиз пахта-чиликнинг ўзидан 20-22 милли-он сўм соф фойда олишдир...

Мамур МУСУЛМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фаргона вилояти



Миришкор туманидаги Жейнов пахта тозалаш корхонасида фермерлар томони-дан етиштирилган ҳосил қабул қилиб олиниб, қуриб-тозаланиб, сифатли қайта ишланмоқда. Корхонаға қарашли Маҳтумқули пахта пункти жамоаси 5000 тоннадан зиёд хом ашёни пешма-пеш қабул қилиб, яқин сақлаш чораларини кўрмоқда.

СУРАТДА: товаршунос Ислон Аминов ва ишчи Рўзиқул Тошқулов.

Мурод КОМИЛОВ олган сурат.

## Қашқадарё вилояти

### ХАБАР

#### Мавсум хирмони

Қўриқ Эллиқалъа ту-мани заршунослари дав-латга 29 минг тоннадан ортиқ пахта сотиб, қўшимча режани ҳам ба-жардилар. Хом ашё фа-қат юқори навларға со-тилдди. Бу ютуққа 700 дан ортиқ фермер ҳўжаликлари катта ҳисса қўшди. Айниқса, "Эл-лиқалъа", "Богёл", "Бўстон", "Янги ер", "Қирққўбод" фермер ҳўжаликлари уюш-малари ўрнатилди. Кўп ва аъло сифатли хом ашё етказиб берилганлиги боис олинган даромад даст-лабки ҳисоб-китобларға кўра ўтган йилга нисбатан ярим миллиард сўм кўп булиши ку-тилмоқда.

Оролбўйидаги мураккаб об-ҳаво шароитида деҳқончи-лик қилаётган Ҳўжайли туман-ни ҳам марраға етди. Ҳўжай-лиликлар қабул шохобчала-риға салкам 24 минг тонна юқори сифатли қимматбаҳо хом ашё етказиб беришди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## МИНСК БЕЛАРУС ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ


МИНИ ТЕХНИКА ва УЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ТАҚИФ ЭТАДИ.

# Бахтингизга аёлингиз соғ бўлсин

**Инсон қачонки дард чека бошласа, соғлиги ҳақида ўйлайди. Кўзига ҳаёт ширин кўринади. Лекин баъзан бепарволигимиз, лоқайдлигимиз туйғайлар дард авж олгангина шифокорга чопамиз. Шифокорга вақтида мурожаат қилсак, бу бизнинг ютуғимиз, лекин вақтидан ўтса-чи?**

— Ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида нафақат қайғуриши, балки соғлигини доимо назорат қилиб бориши керак. Яъни тиббий маданият болаликдан шакллантирилиши керак. Аксарият ҳолларда кишлоқ аёллари кўпроқ ўз соғлиқларига бепарво бўладилар. — дейди биз билан суҳбатда Бирлашган 2-шаҳар шифохонаси поликлиника бўлими кардиолог ва Ашиер Жонузаков. — Яқинда Қашқадарёнинг чека бир қишлоғидан танишимизнинг кўрсаткичи бўлиб келди. Текшириб кўрсам қон босими жудаям баланд. Унга "хотинингизни зудлик билан касалхонага ётқузсин, икки ҳафтача даволансин, бу билан ҳазиллашиб бўлмайди", дедим. Танишим "йўқ, уйга кетамиз, онасиз қийналиб қоламиз", деб кўнмади.

— Ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида нафақат қайғуриши, балки соғлигини доимо назорат қилиб бориши керак. Яъни тиббий маданият болаликдан шакллантирилиши керак. Аксарият ҳолларда кишлоқ аёллари кўпроқ ўз соғлиқларига бепарво бўладилар. — дейди биз билан суҳбатда Бирлашган 2-шаҳар шифохонаси поликлиника бўлими кардиолог ва Ашиер Жонузаков. — Яқинда Қашқадарёнинг чека бир қишлоғидан танишимизнинг кўрсаткичи бўлиб келди. Текшириб кўрсам қон босими жудаям баланд. Унга "хотинингизни зудлик билан касалхонага ётқузсин, икки ҳафтача даволансин, бу билан ҳазиллашиб бўлмайди", дедим. Танишим "йўқ, уйга кетамиз, онасиз қийналиб қоламиз", деб кўнмади.



Кун ҳаддан ортиқ иссиқ бўлгани учун ҳалиги аёл бу аҳволда йўлда қийналиб қолишини ўйлаб бир-иккита укол қилиб юбордим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай аёлингиз вафот этгани ҳақида эшитиб таъзиясига бордим. Ҳали ёш эди. Уларнинг соғлиғига беэтиборлигини қаранг, мен ёзиб берган дори қозонини очиб ҳам қарашмабди. Ёш фарзандларининг, ҳалиги дўстимнинг фарёғига чидаб бўлмайди. 10 кунгина вақтин кўзганимиз хотинидан бир умрга айрилиб қолди. Ахир, ҳозир тиббиёт соҳаси ривожланган, дори-дармонларнинг хиллари кўпайган, истаган аппаратда бир неча дақиқада ҳамма ташхисларни аниқлаштириладиган пайтда соғлиғига эътиборсизлик тиббий ма-

— Нега даволанмай юрибсиз, — десам,  
— 80 дан ошган қайнонам инсулт, олдидан жилмай қарашим керак, — дейди.  
— Эрингиз-чи?  
— Эрим онасини қаровсиз қолдириб мени даволатаримди? — деди.  
Ҳақиқатан ҳам чигал вази- ят. Нима бўлгандаям тўрт бо- ланинг онаси бўлган аёлга ачиндим.  
Яқинда шу аёлни Тошкент- га оғир аҳволда олиб келиши- ди. Бир буйраги қуриб қовжи- раб кетгани учун операция қилиб олиб ташланди.

ки, кўпича келиннинг ҳоми- ладорлик пайтида ўзига эъти- борсизлиги фарзанди соғли- гига ҳам катта зарар етказмоқ- да. Шунинг учун ёш келинни аёллар маслаҳатхонасига қай- нона ёки бошқа яқинлари эмас, балки кўвлар билан ташрифи жуда муҳим. Ана шу мақсадда кўмитамиз "оталар мактаби"ни ташкил қилишни режалаштирган. Ҳуқуқлар жа- раёнида оталарга бўлажак она ва фарзанд соғ-саломат бўли- шиди отанинг роли қанчалик муҳим эканлиги ҳақида тавси- ялар берилди.

Республика "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази томонидан "Оила-ниҳоқ муносабатлари"- ни ўрганиш юзасидан ўтказил- ган сўровлар натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик бахтли ва намунали оила қуришининг шартли моддий-молиявий ҳар- шати маънавий-ахлоқий муҳит, дея жавоб беришган. Ҳеч қим тиббий маданиятни тилга олмаган. Шундай пайтда тиб- бий маданиятни қандай йўлга қўйиш мумкин, деган савол туғилади. Бу, албатта, яна жой- лардаги ташкилотлар зимма- сига масъулият юклайди. Ҳар бир инсоннинг ўз саломатли- гига ўз масъулият фалсафаси- ни сингирдиш лозимлиги дол- зарб масалалардан биридир. Ахир, орамингда бойликни, ўткинчи ҳавасларни биринчи ўринга қўйиб ўз соғлигини ўйнамаётганлар қўпчилиги ташкил қилади. Баъзида вақт етишмаслигини ҳам рўқач қиламиз. Наҳотки, вақт ўтган сайин касаллик авжига чиқиб умримиз қисқариб кетаётгани- ни англашимиз қийин бўлса. Ҳар қандай дардин даволан- гандан кўра олдини олган маъ- қул. Бунинг учун эса доимо врач назоратида бўлиб туриш узоқ яшашнинг муҳим омил- ларидан биридир.

— Соғлом оилалардагина оналар хотиржам фарзанд тарбиялайди. Жамият тараққиё- ти оилаларнинг соғломлиги билан узвий боғлиқдир, — дейди биз билан суҳбатда Республика Хотин-қизлар кўмитаси "Оналик ва болалик- ни муҳофаза қилиш" бўлими мутахассиси Манзура Тўйчи- ева. — Ҳозирги муаммолари- миздан бири айниқса кишлоқ- ларда тиббий маданиятнинг орқада қолаётганлиғидир. Ҳар бир инсон ўз соғлиги ҳақида ўзи қайғуриши керак. Куза- тишларимиз шуни кўрсатади-

Барно СУЛТОНОВА, "Кишлоқ ҳаёти" муҳбири.

**Кино ихлосмандлари доимо янги фильмларда акс этади- ган воқеаларни олдиндан билишга интилади. Айниқса, санъ- атимиз дарғалари томонидан суратга олинаётган фильм- ларга эътибор бошқариб бўлади. Биз таниқли режиссёр, Ўзбекистон санъат арбоби Мэлис Абзалов билан у яратёт- ган янги фильм ҳақида суҳбатлашдик.**

— Мэлис ака, Сиз кинонинг де- ярли барча жанрларида асарлар яратгансиз. Бу галгиси эса детек- тив жанрда экан...

— Анчадан буюн мана шу жанрда фильм яратишни орзу қилиб юрардим.

фарқ қилади. Биз воқеаларнинг ечи- мни турли йўналишларда ушлаб тур- ган тарзда, асосий тугунни фильм сўнггида очишимиз лозим. Йўқса то- мошабин асарни охиригача кўрмайди. Кинони кузатаётган мухлис ҳам турлича

**КИНО ОЛАМИ**  
лигини билишни ҳам иштамаяпти. Асар қаҳрамони гарчи ҳамқишлоғини севса-да, Тошкентга ўқишга келгандан кейин болачагининг қизига ошқиб бўлиб қолади. Унга етишиш, гўзал ҳаётга осонликча эришиш йўлида жин- ниятга қўл уради. Бундан ташқари биз фильмимизда посбонларимиз бўлган милиция ходимларининг машаққатли ҳаётини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.  
— **Фильмдаги асосий образлар- ни кимлар ижро эттишмоқда?**  
— Актёрларни сценарийнинг ўзи

# "Сирли сиртмоқ"нинг сирли нимага?

Лекин кўлимга тузукроқ сценарий туш- маётганди. Кўплаб сценарий ёзувчи- ларга бу ҳақда илтимос ҳам қилганман. Сабаби, бу жанрга деярли барча ки- номухлислар қизиқмади. Детектив ўзи- нинг сирлилиги билан ҳам томошабин- ларни экранга тортадиган жанр. Ҳар кўп ўқийман, детектив асарларни ўқиган бўлсам-да, уларни кино тилига кўчириш мушкуллиги учун ҳам ўйла- ниб юрардим. Кейин Исроиел Тўхтаев- нинг бир қиссаси кўлимга тушиб қолди. Қарасам жуда қизиқарли. Мана шу асар асосида ўзим сценарий ёз- дим. Албатта, қиссани кино тилига кўчириш осон кечмади. Асар билан ки- нонинг орасида катта фарқ бор-да.

тахминларга бориб, ўзининг хаёлида асар билан биргаликда ечимни еча бошлайди. Охирида қутулмаган жой- дан ечим топиладиган энгил бортдади. Детектив мана шуниси билан ҳам қизиқ.

— **Ижодкор бир асарни мухлис- ларга тақдим этишдан олдин олди- га мақсад қўяди.**  
— Тўри, ёшларни кўп кузатганман. Баъзи ёшлар бугунги кунда энгил ҳаёт қуришга, осонликча барчасига эри- шишга интиладиган бўлиб боришя- пти. Улар энгил йўл билан бахт қуриб бўлмаслигини, ҳақиқий ҳаёт мазмуни интилиш, меҳнат ва изланишда экан-

танлайди. Шунинг учун ҳам асардан кели- б чиқиб қаҳрамонларни танлашга ҳаракат қилганмиз. Бош ролларда Санъат Девонлов, Матқуб Матжонов, Эркин Комиллов, Раъно Шодиева, Фо- тима ва Зухриддин Режеметовлар, Хусан Шарипов, Отабек Муталложаев ва бошқалар ижро эттишмоқда.  
— **Фильм устидаги ишлар охири- га етай деб қолдингми?**  
— Сўнгги саҳналарни суратга оляп- миз. Ундан кейин пардозлаш ишлари бошланади. Уйлайманки, тез кунлар- да бу асар мухлислар эътиборига ҳаво- ла этилади.  
— **"Сирли сиртмоқ"нинг сирли ни- мага?**  
— Бунга айтолмайман, ҳозирча филь- мнинг номи шундай аталади. Воқеалар ҳам мана шу сирли сиртмоқ асосида қури- лган. Ҳар қандай сирли сиртмоқ деган- да унинг мазмуни сездириб қўймаймиз, деб ўйлаб туришимиз. Балким эк- ранларга бошқа бир ном билан чиқиши ҳам мумкин. Аммо томошабинлар "Сир- ли сиртмоқ"нинг сирини фильмининг томо- ша қилганларидан сўнг албатта билиб олишларига ишонаман.  
Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ суҳбатлашди.



# СПОРТ

## Йирик ҳисобдаги ғалаба

**Футбол бўйича 2010 йилда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида чиқиш учун Ўзбекистон терма жамоаси ўз уйларини бошлади. Узоқ давом этадиган саралаш баҳсларининг биринчи босқичида вакилларимиз Хитой Тайпейи билан куч сынашди.**

Уйини қузатган мухлислар Рауф Инилеев жамо- сининг 9 та аjoyиб голларига гувоҳ бўлишди. Асосан "пахтакор"чилардан тузилган бош таркиб Максим Шац- кига қатор қўлай вазиятлар яратиб берди. Европа футболдан анча хабардор бўлган "Макс" эса рақиб дарвозасини беш мартаба ишғол қилиб, "флэш" қайд этишга муваффақ бўлди. Қолган голларнинг муаллифлари Темури Қопадзе, Виктор Карпенко, Улғубек Бақоев ва Шавкат Саломов каби футболчи- лар бўлишди.



Уйиндаги энг чиройли гол 57-дақиқада киритилди, десак муболага бўлмайди. Хитой Тайпейи посбони Лу Кун Чи дар- возасига ҳамаси 25-30 метр узоқликдан жарима тўли белги- ланди. Зарбани Шацких амалга оширди. У тўпдан тўп жонли деворнинг устидан ўтиб, дарвозадан жой олди. Рақиб дар- возабони ҳарчанд уринмасин жамоамиз сардорининг зарба- сига қаршилик қилолмади.

Шундай қилиб, Рауф Инилеев шогирдлари 9:0 ҳисобида ғалаба қозониб, жавоб учрашуви олдидан кейинги босқичга чиқиш учун аjoyиб имкониятга эга бўлмоқдалар. Эслатиб ўтамиз, жавоб учрашуви 28 октябрь кун Хитой Тайпейида бўлиб ўтади.

## Кучлилар сараланмоқда

**Терма жамоалар ўртасида Европанинг нуфузли турнири ҳисобланган "Евро-2008" ҳам бошланғичга оз фурсат қолди. Айни кунларда эса кейинги йил бўладиган Европа чемпионатининг финал босқичига чиқиш учун жамоалар сўнгги саралаш учрашувларини ўтказмоқда.**

Шанба оқшомида бўлиб ўтган бир қатор ўйинларда қутулмаган натижалар қайд этилди. Шулardan биттаси Дания терма жамоаси ўз майдонида Испанияга 1:3 ҳисо- бида имкониятни бой бериб қўйди. Саралаш учрашувларининг энг шов-шувли натижаси Ве- лорусда рўй берди. Евро- панинг энг кучлис жа- моаларидан ҳисоблан- ган, китъада ҳали бирон мартаба ғалаба қозон- маган Люксембург са- фардан уч очко билан қайтишга муваффақ бўлди. Дуранг билан тугаётган ўйиннинг қўшимча дақи- қасида (90+5) меҳмонлар ҳужумчиси Левек гол киритиб, тарихий ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

## Профессионал боксининг супер-огир вази WBO чемпионлик камари соҳиби Султон Ибрагимов америкалик машур Эвандер Холифилдга қарши жанг ўтказди.

## Султон Холифилдни мағлуб этди

Ўз чемпион- лик камарини биринчи марта ҳимоя қилган Султон 12 раундлик натижа- ларга кўра Холифилдни мағлуб этди.

Жанг рус боксчисининг устунлиги остида кечди. Ҳар бир раунд давомида чемпион собик жаҳон чемпионига етарлича ташвиш туғ- дирди. Айниқса, 10-раундда кетма-кет зарбалар туйғайли Холифилд нокаутга ту- шишга озгина қолди. Бироқ уни раунд тугаганлиги ҳақидаги бонг қутариб қолди.

Шундай қилиб, Султон Ибрагимов ҳакамлар чиқарган ҳулосасига кўра чемпи- онлик камарини муносиб ҳимоя қила олди. Мағлубият эса Холифилднинг бир неча рейти- нг очколаридан маҳрум этди. Мутахас- сислар фикрича, энди Эвандер бошқа рингга қайтмас экан.

## Бокс



Суннатилла ИСЛОМОВ

# Ворислар камолобини кўзлаб

**Ёш авлодга замонавий билим бериш билан бирга, фарзандларимизни миллий ва умумба- шарий қадриятларга ҳурмат, ўз та- рихи, аждодлар бой мероси ва аризаларига садоқат руҳида тарбиялашда устозлар хизмати катта.**

Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муноса- бати билан Ўзбекистон Республикаси Прези- дентининг Фармонию мувофиқ Қирғай туманидаги 6-мактаб директори Вилоят Акромова "Шухрат" медалига сазовор бўлганлиги шу ҳудуд ўқитувчиларни нияҳтада мамнун этди. Шарафли касб эгалари машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибалари, беқибс меҳри билан ёш авлодга илм-фан сирларини ўргатишмоқда, улар қалбиде Ватанга муҳаббат, эл-юртга са-

доқат туйғуларини камол топтиришда ибрат бўлишаётир.

— Шахсни камол топтириш, уни шаклланти- риш жуда катта масъулият талаб қиладиган ва- зифадир, — дейди туман халқ таълими бўлими мудираси Флора Йўлдошева. — Айни пайтда мактаблар ва мактаб- лим мур- и д а фар педагог ёш авлодга таълим-тарбия бермоқ- да. Улар орасида ўз касбига сидқидилдан ихло- с ва меҳр қўйган, таълим самарадорлигини оши- ришда кўзга кўринган ютуқларни қўлга киритиб келаётган ўқитувчилар талайгина.

Утган ўқув йилида 1- ва 16-мактабларнинг физика фани ўқитувчилари М.Толипова ва Р.Зия- ев ҳамда 32-мактабнинг информатика муалли- маси Ю.Ҳасановалар Халқ таълими вазирлиги-

нинг ўқув жараёнида ахборот технологиялари- дан фойдаланишни такомиллаштиришга ба- ғишланган сайёр ҳаёти йилгилишда жодий салоҳиятга эга эканликларини намойиш этиш- ди. 9-мактабда К.Кенжалиеванинг математика- дан, 13-мактабда Р.Боймирзаеванинг қозоқ тили ва адабиётини олиб бораётган қариба- синов ишлари ҳам диққатга сазовор. 8-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Саи- да Азимова эса "Йил тарбиячиси-2007" қўриқ- танловининг туман босқичида биринчи, вилоят босқичида эса учинчи ўринни олди.

Халқимизнинг эзгу орузси бўлиши барка- мол авлоднинг тарбиялашдек мураккаб ва оли- жаноб ишга ўзларини бағишлаган бундай ўқитувчи ҳамда мураббийларимиздан доимо фахрлансак арайдий.

Раҳимжон ОРИПОВ  
Тошкент вилояти.

# Автотранспорт - кредит ва лизингга!

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ**

**AVTODOM PLUS**

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фурголар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

**Ҳақ тўлаш исталган усулда!**

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.  
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.  
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.  
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Мақсудотлар сертифициланган

**Бош муҳаррир** Чоря ЛАТИПОВ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Ағатай АДИЛОВ, Уткир РАХМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Агростанот комплекс таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Кабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибнат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар  
① -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй